



MOZIYDAN SADO

ECHO OF HISTORY
ЭХО ИСТОРИИ

КАЛБИ ДАРЁ ИНСОН ЭДИ

A man with a big heart

Человек с большим сердцем

КОЗИХОНА – МАДАНИЙ
МЕРОС ЁДГОРЛИГИ

Козихона – памятник культурного наследия

Kozixona – monument of cultural heritage

МАВЛУДА НАРЗУЛЛАЕВА – ГИЖДУВОН
КАШТАЧИЛИК АНЪАНАЛАРИНИНГ
ДАВОМЧИСИ

Mavluda Narzullaeva – successor
of Gijduvan embroidery

Мавлуда Нарзуллаева – продолжатель
традиций Гиждуванской вышивки



МАШАРИП АБДУЛЛАЕВ
 МАШАРИП АБДУЛЛАЕВ
 MASHARIP ABDULLAEV

ҚАЛБИ ДАРЕ ИНСОН ЭАН
 ЧЕЛОВЕК С БОЛЬШИМ СЕРДЦЕМ
 A MAN WITH A BIG HEART

АКБАР ҲАКИМОВ
 АКБАР ҲАКИМОВ
 AKBAR KHAKIMOV

АНЪАНАВИЙ БОЙСУН КАШТАЧИЛИГИ
 ТРАДИЦИОННАЯ ВЫШИВКА БАЙСУНА
 TRADITIONAL EMBROIDERY OF BAYSUN

ШАВКАТ БОБОЖОНОВ
 ШАВКАТ БОБОЖОНОВ
 SHAVKAT BOBOJONOV

БУХОРОНИНГ АНЪАНАВИЙ ТУРАРЖОЙЛАРИ
 ТРАДИЦИОННЫЕ ЖИЛИЩА БУХАРЫ
 TRADITIONAL DWELLINGS OF BUKHARA



ШАМСИДДИН КАМОЛИДДИН,
 КАРИМЖОН ОРИПОВ
 ШАМСИДДИН КАМОЛИДДИН,
 КАРИМЖОН ОРИПОВ
 SHAMSIDDIN KAMOLIDDIN,
 KARIMJON ORIPOV

АМЕРИКАНИНГ ЭНГ ҚАДИМГИ ХАРИТАСИ
 ДРЕВНЕЙШАЯ КАРТА АМЕРИКИ
 THE OLDEST MAP OF AMERICA

ИСКАНДАР МАДГОЗИЕВ
 ИСКАНДАР МАДГОЗИЕВ
 ISKANDAR MADGOZIEV

МУЛЛО ХОЛБЕК ИБН МУСО АНДИЖОНИЙ
 ЕТУК ШОИР ВА ТАРИХНАВИС
 ПОЭТ И ИСТОРИК МУЛЛО ХОЛБЕК ИБН МУСО АНДИЖОНИ
 POET AND HISTORIAN MULLO KHOLBEK IBN MUSO ANDIJONI



АХТАМ АХМЕДОВ
 АХТАМ АХМЕДОВ
 AKHTAM AKHMEDOV

БУХОРО ДАВАТ МУЗЕЙ-ҚУРИҚХОНАСИНИНГ НОЁБ ҚУЛЁЗМАЛАРИ
 РЕДКИЕ РУКОПИСИ В БУХАРСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ МУЗЕЙ-
 ЗАПОВЕДНИКЕ
 RARE MANUSCRIPTS IN BUKHARA STATE MUSEUM-RESERVE

РОИҚ БАХОДИРОВ
 РОИҚ БАХОДИРОВ
 ROIK BAKHODIROV

ЎЗБЕКИСТОНГА ОИД АЛ-АЗҲАР УНИВЕРСИТЕТИ КУТУБХОНАСИДАГИ
 ҚУЛЁЗМА АСАРАЛАР РЕЕСТРИ
 РЕЕСТР РУКОПИСЕЙ БИБЛИОТЕКИ УНИВЕРСИТЕТА АЛ-АЗҲАР,
 ОТНОСЯЩИХСЯ К УЗБЕКИСТАНУ
 REGISTER OF MANUSCRIPTS OF THE LIBRARY OF AL-AZHAR UNIVERSITY
 RELATED TO UZBEKISTAN




АБДУЛЛО НАРЗУЛЛАЕВ
 АБДУЛЛО НАРЗУЛЛАЕВ
 ABDULLO NARZULLAEV

УСМОН УМАРОВ – ГИЖДУВОН АНЪАНАВИЙ КУЛОЛЧИЛИГИНИНГ
 ЁРКИН НАМОЯНДАСИ
 УСМОН УМАРОВ – ВЕЛИКИЙ МАСТЕР ГИЖДУВАНСКОЙ КЕРАМИКИ
 USMON UMAROV – GREAT MASTER OF GIJDUVAN CERAMICS

ДИЛНОЗА НАРЗУЛЛАЕВА
 ДИЛНОЗА НАРЗУЛЛАЕВА
 DILNOZANARZULLAEVA

МАВЛУДА НАРЗУЛЛАЕВА – ГИЖДУВОН КАШТАЧИЛИК
 АНЪАНАЛАРИНИНГ ДАВОМЧИСИ
 МАВЛУДА НАРЗУЛЛАЕВА – ПРОДОЛЖАТЕЛЬ ТРАДИЦИЙ
 ГИЖДУВАНСКОЙ ВЫШИВКИ
 MAVLYUDA NARZULLAEVA – SUCCESSOR OF TRADITIONS OF GIJDUVAN
 EMBROIDERY



РОҲАТ МУҲАММЕДОВА
 РОХАТ МУҲАММЕДОВА
 ROHAT MUKHAMMEDOVA

АНДИЖОН МУЗЕЙИ КАНДАКОРАК БУЮМЛАРИ ТЎПЛАМИ
 КОЛЛЕКЦИЯ МЕДНОЧЕКАННЫХ ИЗДЕЛИЙ АНДИЖАНСКОГО МУЗЕЙ
 COPPER-CHASED ITEMS OF ANDIJAN MUSEUM



ИСМАТ НАИМОВ
 ИСМАТ НАИМОВ
 ISMAT NAIMOV

ҚОЗИХОНА – МАДАНИЙ МЕРОС ЁДГОРАЛИГИ
 КОЗИХОНА – ПАМЯТНИК КУЛЬТУРНОГО НАСЛЕДИЯ
 KOZIKHONA – MONUMENT OF CULTURAL HERITAGE

ДИЛНОЗА ГАНИЕВА
 ДИЛНОЗА ГАНИЕВА
 DILNOZA GANIEVA

ЎЗБЕКИСТОН ДАВАТ САНЪАТ МУЗЕЙИДАГИ ЯПОН КИМОНОЛАРИ
 ЯПОНСКИЕ КИМОНО В ГОСУДАРСТВЕННОМ МУЗЕЕ ИСКУССТВ
 УЗБЕКИСТАНА
 JAPANESE KIMONOS IN THE STATE MUSEUM OF ARTS OF UZBEKISTAN

ИСЛОМЖОН КАРИМОВ
 ИСЛОМЖОН КАРИМОВ
 ISLOMJON KARIMOV

КУХНА ДУРДОНАЛАР ХАЗИНАСИ
 СОКРОВИЩНИЦА ДРЕВНИХ ЦЕННОСТЕЙ
 TREASURY OF ANCIENT VALUES



МИРЗО СУВОНКУЛОВ
 МИРЗО СУВОНКУЛОВ
 MIRZO SUVONKULOV

ЖИЗЗАХ ВОҲАСИДА "ТУРК" ГУРУҲИ
 "ТЮРКСКАЯ" ГРУППА В ДЖИЗАКСКОЙ ОБЛАСТИ
 "TURKIC" GROUP IN JIZZAKH REGION

ҚОЗИХОНА – МАДАНИЙ МЕРОС ЁДГОРЛИГИ

И.Наимов

Давлатчилигимиз тарихида маъмурий бино ва иншоотлар қурилишининг ўзига хос миллий тажрибаси тўпланган. Мана шундай ноёб маданий мерос ёдгорликларидан бири XVII – XIX асрларга оид қозихона маҳкамаси саналиб, бугунги кунда Бухоро шаҳри, Абдуллабеков кўчаси, 12-уйда жойлашган.

Маъмурий бинолар ўзининг қурилиш услубига кўра бир неча турларга бўлиниб, энг муҳимларидан бири Қонунчилик маҳкамалари ҳисобланади. Бундай иншоотлар XX аср бошларига қадар фаол истеъмолда бўлган ва аҳоли ўртасида “Қозихона”, “Қози ўрда”, “Дор-ул қуззот” каби номлар билан машҳур эди. Қозилар ўз фаолиятини олиб бориш учун қулай деб билган жойларда, аксарият ҳолларда масжид, мадраса ёки ўз ҳовлиларида ташкил этган хизмат хонасида иш олиб борганлар. Кейинчалик алоҳида маъмурий бинолар қурилиб, махсус қозихоналар ва қонунчилик маҳкамалари ташкил этилган.

Қозиларнинг уйлари лойиҳа ва қурилиши жиҳатдан Бухоро аҳолиси хонадонларидан бирор жиҳати билан ажралиб турмаган. Бироқ фуқароларни қабул қилиш ва уларга ҳуқуқий хизматлар кўрсатиш каби талабларга жавоб бера олган. Уйлارнинг қурилиш услуби ва жиҳозланиши Бухоронинг барча даражадаги амалдорлари учун амалда бир хил эди. Бухоро аҳолисининг уй-жойлари анъанавий меъморчилиги ва жойлашувига қараб иккига бўлинган: ташқи (ҳавли берун) ва ички (ҳавли дурун) ҳовли. Қозикалон ҳамда бошқа мансабдор шахсларнинг уйлари ҳам шундай бўлиниш асосида шакллантирилган.

Бухоро шаҳрида бир неча қозихоналар фаолият юритиб, марказий қозихона Арк қўرғонидан ташқарида – Минораи калоннинг жануби-ғарби, Шаҳристон ва Гавкушон мавзелари ўртасидаги Шарифжон кўчасининг жарлик ёқасидаги қисмида жойлашган. Бу мавзе XVI асрда Мирзоқули гузари деб номланиб, жуда кичик ва аҳолиси ҳам оз бўлган. Гузар аҳолисининг кўпчилиги қозихонада турли лавозимларда, хусусан, мирзалик ва мулозимлик вазифаларида ишлаган.

Қозихонага учта дарвоза орқали кирилган. Уларнинг марказий дарвозаси фуқароларни қабул қилиш учун мўлжалланган. Қозикалон уйининг марказий дарвозасидан ичкарида иккита суфа бўлган, катта суфада жибачи, мирзобоши, қоровулбеги унвонига эга “қирқ аълам” деб номланган 40 га яқин уламолар иш кунлари фуқароларга ҳуқуқий хизматлар кўрсатиш учун

сафланиб ўтирган. Ўнг томондаги кичикроқ бошқа суфа эса “дарбон” (дарвозабон) учун мўлжалланган. Унинг вазифаси эшик олдида навбатчилик қилиб, мурожаатчиларни қозикалон олдида кузатиб қўйишдан иборат эди. Дарвозанинг жиҳозланишига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, қозикалон уйининг қўриқчилари ва “шабгард” (тунги соқчи)лар фавқулодда вазиятларда фойдаланиши учун “тавл” (ноғора) ва “нахшин” (зарб таёқ) доимий равишда дарвоза устида осиб қўйилган. Шабгард туннинг баъзи вақтларида ухламаётгани ва сергак турганининг ифодаси сифатида тавлга нахшин билан уриб турган. Қозихонанинг марказий дарвозаси ҳеч қачон ёпилмаган. Агарда уни ёпишганда ҳам, бу узоқ муддатга чўзилмаган. Бундан асосий мақсад амирнинг топшириқлари ва турли расмий шошилинч хатларини кечиктирмасдан қабул қилиш бўлган. Ҳатто қозикалон дам оладиган сешанба кунини ҳам марказий дарвоза очиқ турган.

Қозихона маданий мерос ёдгорлиги учта ҳовлидан иборат бўлган таркибий қисмларга бўлинган ва уларнинг ҳар бири ўз хусусиятига кўра алоҳида вазифани бажариш учун ихтисослашган.

Биринчи ҳовли қабулхона, маҳзархона (ҳужжатхона), аминахона (амин хонаси), мутаваллихона (иш бошқарувчилар хонаси), муфтихона, маҳрамхона (ёрдамчилар хонаси) ва қозилик ҳужжатлари расмийлаштириладиган бошқа идоравий хоналардан иборат бўлган. Шунингдек, қўшбеги, девонбеги, раис, миршаббоши ва XX аср бошларига келиб, бошқа маъмурий идоралар билан тезкор алоқа боғлаш учун телефон билан жиҳозланган алоҳида алоқа хонаси ҳам мавжуд бўлиб, унда мирзолар ва таржимон навбатчилик қилиб турган. Бу ҳовлидан ҳозирда фақат қозикалон ўтирадиган олд айвонли меҳмонхона, дафтархона ҳамда муфтихоналар сақланган. Барча маҳкама жараёнлари айнан шу ҳовлида олиб борилган.

Дарбон томонидан олиб келинган фуқарони даст-



лаб икки нафар маҳрам – қозикалоннинг яқин ёрдамчилари қабул қилган, улар томонидан дастлабки ҳуқуқий мурожаатни кўриш жараёни амалга оширилган. Муфтихонада муфти-аълам раислигида 15 нафар уламодан иборат “девони муфтий” кенгаши маслаҳатлашган ҳолатда шариат қоидаларига риоя этиб “фатво”, “сижжил” ва “ривоят”лар тузишган, сўнгра фуқаро қозикалон ҳузурига олиб борилган. Қози одатда ўз котиби – “мирзои калон” билан биргаликда кичик дераза орқали фуқароларни “бўйрои шариат” (шариат гиламчаси) устига таклиф этиб, “мурофаа” (даъво, қозига шикоят билан мурожаат қилиш, суд) жараёнини амалга оширган. Шахсий, ижтимоий аҳамиятга эга масалалар бўйича мурофаа этувчилар эса олд даҳлиз орқали киритилган. Худди шу ҳовлида шимолга қараган беш эшикли, баланд устунли қозикалоннинг ёзги қабулхонаси ҳам жойлашган.

Одатда, Қозикалон ўз ҳовлисининг жанубий томонида жойлашган катта меҳмонхонада ўзига яқин кишиларни ва юқори даражадаги амалдорларни қабул қилган. Меҳмонхона шимолга чиқувчи ҳамда бир вақтининг ўзида дераза вазифасини бажарувчи 3 та эшикка эга бўлиб, улар орқали бошқа ҳовлиларга ўтиб турилган.

1940 йилларда Бухоро амирлиги суд-ҳуқуқ тизимини ўрганган дастлабки олим М.Юсуповнинг тасвирашича, қозикалон меҳмонхонасининг жиҳозланиши жуда оддий, бутун оёқ ости “текин” гилами билан қопланган ҳамда хонанинг атрофига девор бўйлаб эни торроқ бўлган узун пахтали кўрпачалар – “кўрпачаи даврихона” тўшалган.

Қозихона дарвозасидан ўнг йўлакдаги хоналардан бирида, 5-6 нафар мирзолар фаолият юритадиган мирзохона жойлашган. Мирзолардан бири бошлиқ саналиб, “мирзои калон” деб юритилган. Қозихона котиби, яъни мирзода махсус тартиб берилган дафтар бўлиб, унда қозихонада кўрилган ҳужжатлар қайди юритилган. Бухоро қозихонасида қозикалоннинг турли табақалардан таркиб топган 40 нафардан 60 нафаргача мулозимлари маҳкама ишларида фаолият юритишган.

Қозихонада муфтийнинг махсус хонаси бўлиб, ҳар куни бу хонада 15 нафар Бухоро муфтиларидан бири “муҳаррир” навбатчилиқ қилган. Муҳаррир шариатнинг турли асосларини, диний ҳуқуқ ва қоидаларни яхши эгаллаган киши ҳисобланган. Муҳаррирлар орасидан қозилар етишиб чиққан. Бош муфтилар амир ёки қозикалон томонидан тайинланган ва улар “аълам” (араб тилидан “билагон”, “энг олим”) унвонига эга бўлган.

Бухоро қозихонасида меросий мулкни тақсимлаш бўйича 12 та мутахассис – “тариқачи”лар ҳам фаолият юритган. Улар олий мадраса маълумотига эга бўлиб, шариат асосидаги мерос ҳуқуқи илмларидан жуда яхши хабардор бўлган.

Иккинчи ҳовлидан, асосан, турли хизматлар кўрсатадиган хона (фаррошхона, ошхона, мирзохона, таҳоратхона)лар ўрин олган. Мирзохоналарда муҳаррирлар томонидан фуқароларга адлия хизматлари кўрсатилган. Муҳаррирлар “девони муфти” томонидан

тақдим этилган ҳулосалар асосида суд жараёнида фойдаланиладиган ва ҳукм чиқаришга далилланадиган ривоятлар (Қуръони Карим, Ҳадиси шариф ва шариат қоидаларига асосланиб, қозилиқ ҳужжатларига ҳаволалар келтириш) тузган. Мазкур ҳовлидан “мирзои ижора” (ижара ишлари бўйича котиб) ҳам ўрин эгаллаган. У ижарага берилган вақф мулклари ҳисобини юритган ҳамда васиқа (мулкка эгаликни ҳамда ижара ва олди-сотди ҳужжатларини тасдиқловчи расмий ҳужжат)ларни тузган. Ижара ҳужжатларини расмийлаштириш айнан мирзои ижора орқали амалга оширилган.

Учинчи ҳовли эса қозикалон оиласи учун мўлжалланган, бироқ ҳовлининг мазкур қисми сақланмаган.

Қозихонанинг биринчи ҳовлиси жами уч қаватдан: юқори қаватда кўриб чиққанамиздек, маъмурий хоналар; ўрта қаватида “тағхона”, яъни ертўла ва қуйи қаватда отхона жойлашган. Ертўла олти хонадан иборат. Улар, асосан, вақтинча эҳтиёт чораси сифатида ушлаб туриладиган маҳбуслар учун ҳибсхона вазифасини бажарган. Тағхона остида от ва уловларни сақлайдиган “аспхона” ўрин эгаллаган. Унга “Кавши Олак” бозори орқали кириш мумкин бўлган. Отхонадан деразасиз, қоронғи хоналар, яъни “саисхона” ўрин эгаллаган. Бундай хоналардан тергов жараёнларида “сукут сақловчи” жинойтчиларни сўроқ қилишда фойдаланилган.

Машҳур маърифатпарвар олим Абдурауф Фитрат берган маълумотларга таяниб тахмин қилиш мумкинки, биз таҳлил қилган қозихонада дастлаб Садриддин Мулла Тўхмақ ўғли (Қозикалонлик даври: 1863-1865, 1869-1870 й.й.) фаолият кўрсатган. У Бухоронинг Амир Музаффариддин ва Амир Абдулаҳад давридаги қозикалонлардан бўлиб, келиб чиқиши Шарқий Бухоронинг Кўлоб беклигидан эди. Унинг саъй-ҳаракатлари билан қозикалонлик Бухорода наслий тус олган. Жумладан, ўғли Бадриддин ва набираси Бурҳонидинлар ҳам қозихонанинг учинчи ҳовлисида улғайиб, кейинчалик Бухоро қозикалони мансабини эгаллашган. Таъкидлаш жоизки, мазкур қозилар авлодига бухороликларнинг ҳурмат ва эҳтироми баланд бўлиб, улар истиқомат қиладиган хонадон аҳоли ўртасида “Ибн Байзо”, “Хонадони Байзо”, яъни равшан, шаффоф, нурли хонадон номи билан таърифланган.

Бухоро амирлиги қўшбеги девонхонасига тегишли ҳужжатларнинг далолат беришича, Бухоро амирлигида масъул юқори амалларда фаолият юритган мансабдорларни хизмат уйлари билан таъминлаш шахсан амир эътиборида бўлган. Қайсики амалдорнинг яшаш учун уй-жойга эҳтиёжи бўлса, амир саройига мурожаат этиши мумкин бўлган. Сарой эса юқори даражали амалдорларни хонадонлар билан таъминлаш мақсадида шаҳар марказида бир-неча ҳовлиларга эгалик қилар эди. Улар уй-жойга эҳтиёжи мавжуд бўлган мансабдорларга амалда бўлган вақтида оиласи билан вақтинча истиқомат қилиш учун шахсан амир муборакномаси асосида тақдим этиларди. Демак, биз кўриб чиқаётган Бухоро амирлиги қозикалонининг ҳовлиси ҳам шу тартибда сулолавий қозилар авлоди

тасарруфига ўтган бўлиши эҳтимолдан йироқ эмас.

1920 йил 28 августдан 2 сентябргача давом этган қизил армиянинг Бухорога ҳужуми оқибатида аксарият бинолар ёнғин остида қолади, хусусан, қозихона маҳкамаси ҳам қисман зарар кўради.

Бухоро амирлигининг Қозихонаси ўз фаолиятини ҳуқуқ институти сифатида тугатгач, қадимий ҳовли Бухоро Халқ Шўролар Жумҳурияси (1920-1927) тасарруфига олинади. Қозихонада 1922 йилда Файзулла Хўжаев (1896-1938)нинг кўрсатмаси билан хориждан матбаачилик ускуналари келтирилиб, давлат белгиларини ишлаб чиқиладиган “Босма фабрикаси” ташкил қилинади.

1930 йилларга келиб, қозихонада Тельман номидаги тикувчилик корхонаси иш бошлаган, у бошқа бинога кўчгандан сўнг эса, бу ерда хотин-қизлар билим юрти жойлашган. Иккинчи жаҳон урушидан кейин бино Бухоро халқ таълими бошқармаси тасарруфига ўтказилган ва 1970 йилдан 2016 йилга қадар Бухоро халқ таълими муассасалари фаолиятини услубий таъминлаш ва ташкил этиш бошқармасига қарашли 12-сонли “Дилрабо” мактабгача таълим муассасаси фаолият юритиб келган. 2019 йил 4 октябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектлари миллий рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида”ги 846-сон қарорига асосан “Қадимий ҳовли” (майdonи: 0,1648 га) сифатида давлат муҳофазасига олинган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Абдурауф Фитрат. Бухоро уламоси. “Хуррият”. 1917, 48-сон.

2. “Бухоро амирлиги қозихона маҳкамаси тарихи” номли илмий лойиҳа (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги нодавлат-нотижорат ташкилотларни қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг 2022 йил 27 июлдаги 77-12/15-сонли давлат гранти) якуний ҳисобот йизма жилди.

3. “Бухоро ахбори” (Бухоро), №3. 1920 йил 29 сентябрь.

4. Воҳидов Ш. Зиёи Садр Бухорӣ ва феҳрести китобхонаи ӯ. – Панжечент: Ирфон, 2017. – 432 саҳ.

5. Ремпель Л. Далекое и близкое. Страницы жизни, быта, строительного дела, ремесла и искусства Старой Бухары (Бухарские записи). – Ташкент: Гафур Гулям, 1981. – 304 стр.



KOZIKHONA – MONUMENT OF CULTURAL HERITAGE

I. Naimov

Uzbekistan has accumulated a great deal of historical experience in the construction of administrative buildings and structures. In Bukhara city, at 12 Abdullabekov Street, there is a judicial institution built in the 17th-19th centuries – Kozikhona, which now is considered as a monument of cultural heritage.

According to the type of construction, there were several types of administrative buildings, the most important of which were legislative institutions. Such structures were quite actively used until the beginning of the 20th century, among the population they were known under the names “Kozikhona”, “Kozi Urda”, “Dor-ul Kuzzot”. Previously, qadis carried out their activities in places convenient for themselves, in most cases, so-called service offices were organized for them in mosques, madrassas, and even in their own courtyards. Later, the construction of legislative institutions – Kozikhona (court premises) began.

The houses of the qadis did not differ in design and construction from the houses of Bukhara population, but they fully met the requirements for receiving citizens and providing legal services. In Bukhara, the construction and design of houses was almost the same for officials at all levels. The houses of Bukhara population, depending on traditional architecture and location, consisted of two parts: external (havli berun) and internal (havli durun). Qadis and other officials had the same houses.

There were several Kozikhona in Bukhara. The central Kozikhona was located outside the Ark - to the southwest of the Kalon minaret, near the

ravine on Sharifjon Street between the Shahrison and Gavkushon quarters. In the 16th century, this sparsely populated area was known as Mirzokuli Guzari. Local people worked in Kozikhona, mainly holding the positions of mirza and mulozim.

Three gates led into the Kozikhona. Citizens came to the reception through the central gate. There were two supas in the courtyard, in the large supa on weekdays citizens were provided with legal services called "kirk a'lam" - 40 ulemas, who held the positions of zhibachi, mirzoboshi, korovulbegi. The large supa (on the right side) was intended for the "darbon" (security guard). His job was to be on duty at the gate, to meet citizens who came to see him and to escort them to Kozikalons. Much attention was paid to the equipment of the gates. The guards of Kozikalons' house and the "shabgards" (night watchmen) hung "tavl" (kettle drums) and "nakhshin" (clubs) on the gates for use in emergency situations. At a certain time of the night, shabgard would strike the nakhshin on the tavl to ensure that he was awake and on duty. The central gates were never closed. And if these gates were closed, it was for a very short time. Since the main goal was the immediate reception of the emir's instructions and official urgent letters. Even on Tuesdays – Kozikalons' day off, the central gates remained open.

Kozikhona was divided into three courtyards, each of which had its own purpose.

The first courtyard housed the reception room,

mahzarhona (document room), aminonakhona (amin's room), mutavallikhona (room for the business managers), muftikhona, mahramkhona (assistants' room) and other rooms for registering documents. There was also a communications room in this courtyard, where there was a telephone for prompt communication with the kushbegi, devonbegi, rais, mirshabboshi, and by the beginning of the 20th century, with other administrative departments. Mirzas and translators were on duty in this room in turn. Only the living room with a terrace, where Kozikalon sat, the chancery and the room for the mufti have survived from this courtyard by now. All trials were held just in this courtyard.

The citizen brought by the darbon was first received by two mahrams - the closest assistants of Kozikalon, they listened to the legal appeal of the person who arrived. In the room for the mufti, under the chairmanship of the mufti-alam, a meeting of the "devoni mufti" - a council of 15 ulems was held, in compliance with the rules of the Sharia, "fatvo", "sizhjl", "rivoyat" were compiled, then the citizen was taken to Kozikalons. As a rule, qadi together with his secretary - "mirzo-i kalon" invited the citizen through a small window to the "boyro-i shariat" (Sharia rug), and conducted "murofaa" (heard the claim, appeal, carried out a legal process). Plaintiffs on personal or social issues were brought in through the hallway. The summer reception hall of Kozikalon, facing north with five doors and high columns, was also located in this courtyard.

On the southern side of the courtyard, there was a large living room, where Kozikalon received close people and high-ranking officials. The living room had three doors facing the northern side and served as windows, through these doors one could pass into other courtyards.

According to the notes of the scientist M.Yusupov, who studied the judicial and legal system of the Bukhara Emirate in the 1940s, the decoration of the Kozikalon living room was quite simple, the floor was covered with Tekin carpets, narrow and long kurpachas "kurpachayi davrihona" (a blanket for sitting) were spread around the room along the walls.

Along the path leading to the right of the gate there were rooms, in one of them – mirzohona – 5-6 mirzos worked. One of them was the chief and he was called as "mirzoyi kalon". The secretary of Kozikhona, that is, mirzo, kept a special notebook in which documents on the construction of Kozikhona were registered. In the Kozikhona of Bukhara, from 40 to 60 workers from various classes carried out judicial activity.

In Kozikhona, there was a special room for the muharrir, in which one of the 15 muftis of Bukhara was on duty every day. They were considered educated people who knew the basics of Sharia and religious law well. Many of them later became qadis. The chief mufti was appointed by the emir or



Kozikalon and was given the rank of "alam" (Arabic "expert", "scholar").

In Kozikhona, there were also 12 specialists "tariqachi" who were engaged in the distribution of inherited property. These were people who received higher education in madrasah and mastered the science of inheritance law based on Sharia.

The second courtyard housed utility rooms (restroom, kitchen, writing room (mirzokhona), ablution room). In mirzokhona, mirzas (muharrirs) provided legal services to citizens. Muharrirs, based on the conclusions of the "devoni mufti," drew up final documents for the trial and decision. The "mirzoyi izhora" (secretary for rental affairs) also operated in this courtyard. He kept records of waqf property and drew up vasikas – official documents confirming ownership, as well as rental and trade documents.

The third courtyard was intended for the Kozikalon family, but it has not survived.

The building in the first courtyard of Kozikhona had three tiers: the upper part, as noted above, was allocated for administrative premises; the middle part, that is, the basement, was called "tagkhona," and the lower part served as a stall. In the basement, there were six rooms that were used as temporary holding cells for detainees. Under the taghona there was an "asphona" – a room for horses and carts, which could be entered through "Kavshi Olak" market. Also in the asphona there were dark rooms without windows – "saikhona". During the investigative process, interrogations of "silent" criminals were conducted in these rooms.

Based on the information of the famous scientist and educator Abdurauf Fitrat, it can be assumed that Sadriddin Mullah Tukhmakugli worked in Kozikhona, which we studied (periods of activity: 1863-1865, 1869-1870). A native of the Kulob bey of Eastern Bukhara, Sadriddin Mullah Tukhmakugli worked as Kozikalon during the reigns of Amir Muzaffariddin and Amir Abdulakhad. Thanks to his efforts, the position of kazikalon in Bukhara became hereditary. His son Badriddin and grandson Burkhoniddin began their activities in the third courtyard of Kozikhona and subsequently occupied the position of Kozikalon. It should be noted, that this dynasty of kazis was respected among the residents of the city, the people called their house "Ibn Bayzo", "Khonadoni Bayzo", that is, a bright, pure, light-filled house.

The documents of Qushbegi chancery of Bukhara Emirate indicate that the Emir

personally paid attention to providing service houses for officials holding high positions. Any of the officials could contact the Emir on a housing issue. The palace owned several courtyards in the center of the city, which were used to provide housing for high-ranking officials. With the personal blessing of the Emir, these courtyards were provided to high-ranking officials in need of housing for temporary residence with their families during the period of performing official duties. Probably, the Kozikhona we are considering was provided to the dynasty of kazis in the same way.

As a result of the invasion of the Red Army from August 28 to September 2, 1920, many buildings were burned in Bukhara, and the part of Kozikhona suffered.

After the end of Kozikhona's activity as a legal institution, the ancient courtyard passed to the jurisdiction of the Bukhara People's Soviet Republic (1920-1927). In 1922, by order of Fayzulla Khodjaev (1896-1938), printing equipment was brought from abroad and a "Printing Factory" for the production of state signs was organized in Kozikhona.

In 1930, a textile enterprise named after Telman began operating in Kozikhona, and later a girls' school was located there. After World War II, the building was transferred to Bukhara Department of Public Education, from 1970 to 2016, the building housed preschool education institution No. 12 "Dilrabo" of the Department of Methodological Support and Organization of Activities of Public Education Institutions of Bukhara. On October 4, 2019, based on Resolution No. 846 of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan "On Approval of the National List of Real Estate Objects of Material Cultural Heritage", "Ancient Yard" (area 0.1648 hectares) was taken under state protection.



КОЗИХОНА – ПАМЯТНИК КУЛЬТУРНОГО НАСЛЕДИЯ

И.Наимов

В Узбекистане накоплен большой исторический опыт строительства административных зданий и сооружений. В городе Бухара по адресу улица Абдуллабекова, дом 12 расположено построенное в период XVII – XIX веков судебное учреждение – Козихона, которое сегодня считается памятником культурного наследия.

По типу строительства различались несколько видов административных зданий, важнейшими среди которых считались законодательные учреждения. Подобные сооружения до начала XX века довольно активно использовались, среди населения они были известны под названиями “Козихона”, “Кози урда”, “Дор-ул куззот”. Ранее казии осуществляли свою деятельность в удобных для себя местах, в большинстве случаев им организовывали так называемые служебные кабинеты в мечети, медресе, и даже в их собственных дворах. В дальнейшем началось строительство законодательных учреждений – Козихона (судебное помещение).

Дома казиев по проекту и строительству в целом не отличались от домов бухарского населения, но вполне соответствовали обеспечению таких требований, как прием граждан и предоставление правовых услуг. В Бухаре строительство и оформление домов было практически однотипным у должностных лиц всех уровней. Дома бухарского населения, в зависимости от традиционного зодчества и расположения, состояли из двух частей: внешний (ҳавли берун) и внутренний (ҳавли дурун). Такие же дома были у казиев и других должностных лиц.

В Бухаре действовали несколько Козихона. Центральная Козихона располагалась за пределами Арка – на юго-западе от минарета Калон, у оврага на улице Шарифжон между кварталами Шахристон и Гавкушон. В XVI веке эта местность с малочисленным населением была известна под названием Мирзокули гузари. Люди из числа местного населения работали в Козихона, в основном занимали должности мирзы и мулозима.

В Козихона вели трое ворот. Граждане приходили на прием через центральные ворота. Во дворе было две супы, на большой супе в рабочие дни гражданам предоставляли правовые услуги называемые “қирқ аълам” - 40 улемов, имевшие должности жибачи, мирзобоши, коровулбеги. Большая супа (с правой стороны) предназначалась “дарбон”у (сторожу). Его задачей было дежурить у ворот, встречать обращающихся граждан и препровождать их к Козикалону. Большое внимание уделялось оборудованию ворот. Охранники дома Козикалона и “шабгарды” (ночные сторожа) для использования при чрезвычайных ситуациях вешали на ворота

“тавл” (литавры) и “нахшин” (дубинки). В определенное время ночи шабгард ударял нахшином по тавлу чтобы удостовериться, что он бодрствует и находится на посту. Центральные ворота никогда не закрывали. А если закрывали, то на очень короткое время. Так как главной целью был незамедлительный прием указаний эмира и официальных срочных писем. Даже по вторникам – в выходной день Козикалона центральные ворота оставались открытыми.

Козихона разделялась на три двора, каждый из которых имел свое предназначение.

В первом дворе располагались приемная, махзархона (помещение для документов), аминонахона (помещение амина), мутаваллихона (помещение управляющих делами), муфтихона, махрамхона (комната помощников) и другие помещения для регистрации документов. Также в этом дворе была комната связи, где находился телефон для оперативной связи с қушбеги, девонбеги, райсом, миршаббоши, а к началу XX века и с другими административными ведомствами. В этой комнате поочередно дежурили мирзы и переводчики. К настоящему времени от этого двора сохранились лишь гостиная с терассой, где сидел Козикалон, канцелярия и помещение для муфтия. Все судебные процессы проводились именно в этом дворе.

Гражданина, которого приводил дарбон, сначала принимали два махрама – ближайшие помощники Козикалона, они заслушивали правовое обращение прибывшего лица. В помещении для муфтия под председательством муфти-аълама проводилось совещание “девони муфтий” – совета в составе 15 улемов, при соблюдении правил шариата составлялись “фатво”, “сижил”, “ривоят”, затем гражданина вели к Козикалону. Как правило, казий вместе со своим секретарем – “мирзои калон”ом через маленькое окошко приглашал гражданина на “бўйрои шариат” (шариатский коврик), и проводил “мурофаа” (заслушивал иск, обращение, осуществлял судебный процесс). Истцы по личным или социальным вопросам вводились через прихожую. В этом дворе также находилась направленная на север с пятью дверями и высокими колоннами летняя приемная Козикалона.

На южной стороне двора находилась большая гостиная, в которой Козикалон принимал близких людей и высокопоставленных чиновников. В гостиной было три двери, выходящие на северную сторону и одновременно служившие окнами, через эти двери можно было проходить в другие дворы.

Согласно записям ученого М.Юсупова, в 1940-

х годах изучавшего судебно-правовую систему Бухарского эмирата, убранство в гостиной Козикалона было довольно простым, пол был застелен текинскими коврами, вокруг комнаты у стен были разостланы узкие и длинные курпачи “кўрпачайи даврихона” (одеяло для сиденья).

Вдоль дорожки, ведущей вправо от ворот, находились помещения, в одном из них – мирзохона – работали 5-6 мирзо. Один из них был начальником и назывался “мирзойи калон”. Секретарь Козихоны, то есть, мирзо, вел специальную тетрадь, в которой регистрировались документы о строительстве Козихоны. В Козихона Бухары судебную деятельность осуществляли от 40 до 60 работников из различных сословий.

В Козихона была специальная комната для муфтия, в которой ежедневно дежурил (мухаррир) один из 15 муфтиев Бухары. Они считались образованными людьми, хорошо знающими основы шариата и религиозное право. Многие из них впоследствии становились казиями. Главный муфтий назначался эмиром или Козикалоном и ему присваивался чин “аълам” (араб. “знаток”, “ученый”).

В Козихона также работали 12 специалистов “тариқачи”, занимавшиеся распределением наследственного имущества. Это были люди, получившие высшее образование в медресе и владели наукой наследственного права на основе шариата.

Во втором дворе располагались служебные помещения (уборная, кухня, писчая (мирзохона), помещение для омовения). В мирзохона мирзы (мухарриры) предоставляли гражданам юридические услуги. Мухарриры на основе заключений “девони муфти” составляли заключительные документы для судебного процесса и вынесения решения. Также в этом дворе осуществлял деятельность “мирзойи ижора” (секретарь по арендным делам). Он вел учет вакуфной собственности и составлял васиқа – официальные документы, подтверждающие право собственности, а также арендные и торговые документы.

Третий двор предназначался для семьи Козикалона, но он не сохранился.

Строение в первом дворе Козихоны было трехэтажным: верхняя часть, как было указано выше, была отведена под административные помещения; средняя часть, то есть, подвал, называлась “тагхона”, нижняя часть служила стойлом. В подвальной части было шесть комнат, которые использовались в качестве камер для временного содержания задержанных лиц. Под тагхона находилась “аспхона” – помещение для коней и телег, куда можно было проникнуть через рынок “Кавши Олак”. Также в аспхона были темные помещения без окон – “саисхона”. В ходе следственного процесса в этих помещениях проводили допрос “сохраняющих молчание” преступников.

На основе сведений известного ученого-про-

светителя Абдурауфа Фитрата можно предположить, что Козихона, в изученной нами работал Садриддин Мулла Тухмак угли (периоды деятельности: 1863-1865, 1869-1870г.г.). Выходец из бекства Кулоб Восточной Бухары Садриддин Мулла Тухмак угли работал Козикалоном в периоды правлений Амира Музаффариддина и Амира Абдулахада. Благодаря его усилиям должность казикалона в Бухаре стала передаваться по наследству. Его сын Бадриддин и внук Бурхониддин начинали деятельность в третьем дворе Козихоны и впоследствии занимали должность Козикалона. Следует отметить, эта династия казиев пользовалась уважением среди жителей города, народ называл их дом “Ибн Байзо”, “Хонадони Байзо”, то есть, светлый, чистый, проникнутый светом дом.

Документы канцелярии кушбеги Бухарского эмирата свидетельствуют о том, что эмир лично уделял внимание обеспечению служебными домами чиновников, занимавших высокие должности. Любой из должностных лиц мог обратиться к эмиру по жилищному вопросу. Дворцу принадлежали несколько дворов в центре города, которые использовались для обеспечения жильем высокопоставленных лиц. По личному благословению эмира эти дворы предоставлялись нуждающимся в жилье высокопоставленным должностным лицам для временного проживания с семьями на период выполнения должностных обязанностей. Вероятно, рассматриваемая нами Козихона таким же образом была предоставлена династии казиев.

В результате нашествия красной армии с 28 августа до 2 сентября 1920 года в Бухаре многие здания были сожжены, пострадала и часть Козихоны.

После завершения деятельности Козихоны в качестве правового института, древний двор перешел в ведомство Бухарской Народной Советской Республики (1920-1927). В 1922 году по указанию Файзуллы Ходжаева (1896-1938) из-за рубежа завезли типографское оборудование и в Козихона организовали “Печатную фабрику” по производству государственных знаков.

В 1930 году в Козихона начало действовать текстильное предприятие имени Тельмана, а впоследствии располагалось женское училище. После Второй мировой войны здание передали управлению народного образования Бухары, с 1970 и до 2016 года в здании находилось учреждение дошкольного образования №12 “Дилрабо” управления методического обеспечения и организации деятельности учреждений народного образования Бухары. 4 октября 2019 года на основании постановления №846 Кабинета Министров Республики Узбекистан “Об утверждении Национального перечня объектов недвижимости материального культурного наследия» “Древний двор” (площадь 0,1648 га) взят под охрану государства.